




ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ГАЗЕТАСИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 30 (9.222) 1999 йил 17 март, чоршанба

Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ:

АБАДИЙ ДЎСТ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 март куни Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демиралнинг мамлакатимизга расмий ташрифи бошланиши арафасида Тошкент аэропортида ҳозир бўлган оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда бўлди.

Туркия Жумҳурияти Президентининг мамлакатимизга ташрифи доир саволга жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон ва Туркиянинг иқтисодий ҳамкорлик алоқалари кутилганидек, тез ва самарали ривожланиб бораётган. Расмий ташриф доирасида Самарқанд шаҳрида тақдирот маросими ўтказилган. Бу киймати олти беш миллион АҚШ долларига тенг бўлган «Самочавто» қўшма корхонаси мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ўсишига, кўпчиликни иш билан таъминлашга салмоқли ҳисса қўшиши шубҳасиз. Бу корхона тўла қувват билан ишга тушганидан сўнг, йилга беш минг дондан зиёд автобус ва турли русумдаги юк машиналарини ишлаб чиқарилади.

Мен бугун яна бир ҳужжатга имзо чекдим, — энди Самарқанддаги «Сино» музлаткичлари ишлаб чиқарадиган завод ҳам туркиялик шериклар билан ҳамкорликда қайта жиҳозланади. Ташриф чоғида бўлиб ўтадиган музокаралар жараёнида иқтисодий ҳамкорлигимизнинг бошқа қирраларини ҳам муҳокама этамиз, бундай ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларини кўриб чиқамиз.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Туркия жумҳурияти ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик масалаларига тўхтаб қолган, дунёда ва, хусусан, минтақамизда тинчлик ҳамда барқарорликнинг сақланишида Туркиянинг алоҳида ўрни борлигини қайд этди. Мен шунини алоҳида таъкидлашни истар эдимки, деди жумладан Президент Ислам Каримов, Туркия катта салоҳиятга эга давлатдир. Шу бос юртимизда, минтақамизда тинчликни сақлаш борасида Туркия салоҳиятига фойдаланиш масаласи ҳам музокаралар мавзусидан бири бўлади. Жуда кўп сиёсий масалаларда биз Туркия билан ҳамфикримиз, деди Президент, бир қанча масалаларга қарашларимизда эса яқин ва ўзаш жиҳатлар бор.

Мамлакатимиз раҳбари 16 февралда Тошкентда юз берган воқеаларга тўхталиб, Туркия ҳам террорчилар хуружларидан азият чекаётганини айтди. Кўни кеча Истамбулдаги йирик савдо марказларидан бирида уюштирилган террорчилик ҳаракати ҳам бунинг ёркин далилидир. Шу бос бундай масалаларда яқин ҳамкорликни йўлга қўйишдан ҳар икки томон бирдек манфаат топиши тайин.

Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирал ўтирган самолёт Тошкент аэропортига қўнди. Олий мартабали мехмонни давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

«Дўрмон» қароргоҳида Туркия Президентининг расмий кутуб олиш маросими бўлди. Маросим ниҳоятда етгач, икки давлат раҳбарларининг яқма-яқма суҳбати бошланди. Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳолига доир қатор масалаларни кўриб чиқдилар. Томонларни қизиқтирган халқаро аҳамиятга молик муаммолар ҳусусида ҳам ўзаро фикр алмашилди. Президентларнинг яқма-яқма суҳбатида террорчилик, уюшган жиноятчилик, қурол-ярғоқ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга келишиб олинди.

Шундан сўнг Президентлар иштирокида икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Унда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалар бўйича икки томонлама алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Президент Ислам Каримов Ўзбекистон-Туркия муносабатларига тўхтаб қолган, бу борада Ўзбекистон устувор деб қарайдиган соҳалар ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, сиёсий томондан муносабатларимизни ҳозиргидек юқори даражада сақлаб туриш ва давом эттириш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик, шунингдек, минтақавий ҳафсиликни таъминлаш масалаларида ҳамжihatлик биз учун жуда муҳим, деди давлатимиз раҳбари.

Ислам Каримов Ўзбекистон Туркиянинг икки ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлашини, Боку-Жайҳон магистрали, тезроқ ишга тушиши тарафдор эканлигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон, айниқса, Туркиянинг террорчиликка қарши юритаётган сиёсатини тўла қўллаб-қувватлашини айтди, бу борада мамлакатимизга ҳам ёрдам кўрсатишига умид билдирди. Сулаймон Демирал Туркия зарур бўлганда, Ўзбекистонга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишига тайёр эканлиги маълум қилди.

Иқтисодий муносабатлар ҳусусида сўз кетганда, айтиш жоизки, Туркия Ўзбекистоннинг энг яқин ҳамкорларидан ҳисобланади. Бироқ, ҳозирги ҳолатдаги алоқалар мактовга лойиқ бўлса-да, ҳали ишга солинмаган имкониятлар, шерикликни янада кенгайтириш учун улкан салоҳият мавжуд. Ўзбекистон бу имкониятларни тўлароқ ишга солиш тарафдоридир.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1992 йилда 75 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Утган йили бу кўрсаткич 275 миллионга етди. Самарқандда очилиш маросими ўтказилган мўлжалланаётган «Самочавто» қўшма корхонаси иқтисодий ҳамкорлик юқори поғонада эканлиги яна бир бор тасдиқланди. Умуман, Туркия Ўзбекистонга энг кўп сармоя киритган мамлакат ҳисобланади. Лекин, шундай бўлса-да, кўпроқ эътибор қаратадиган айрим жиҳатлар ҳам мавжуд. Масалан, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича қўшма комиссиянинг фаолияти сўнгги пайтларда бир оз сусайди. Музокараларда бундай масалаларни ҳал этиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Музокараларда транспорт коммуникацияси масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ислам Каримов Ўзбекистон Туркиянинг эркин иқтисодий зоналарида жойлашган Истанбул, Трабзон, Адана, Мерсин каби шаҳарларидоги по-



ртлардан, омборлардан фойдаланиш тарафдори эканлиги бу масала бўйича музокаралар бошлаганга таяёрлигини билдирди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Қора денгиз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиш Ўзбекистон учун янада кенг имкониятлар очишини таъкидлаб, бу борада Туркиянинг мамлакатимизни қўллаб-қувватлашига умид билдирди.

Шунингдек, музокараларда илм-фан, маданият, таълим соҳалари бўйича ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Туркия Президенти Сулаймон Демирал Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовни Туркияга расмий ташриф буюришига таклиф қилди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Туркия Президенти Сулаймон Демирал икки давлат раҳбарлари ўртасида бўлган музокаралар юзасидан қўшма баёнотга имзо чекдилар.

Шундан сўнг матбуот анжумани бўлди. Президентлар яқма-яқма суҳбат ҳамда кенгайтирилган таркибдаги музокаралар чоғида қўрилган масалалар ҳусусида сўзлади. Ислам Каримов юзма-юз суҳбат чоғида муҳокама этилган барча масалалар юзасидан нуктаи назарлар яқин ёки муштарак эканлиги маълум қилди.

С. Демирал 16 февраль куни Тошкентда рўй берган воқеа муносабати билан ҳамдардлик билдирди. Бу хатти-ҳаракатлар халқни саросимага солиб, юрдаги барқарорликка раҳна етказишга қаратилган эди. Лекин, Ўзбекистонни танлаган йўлидан қайтариб бўлмаслиги равшан. Биз бу йўлда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга таяёримиз. Ўзбекистон учун энг яқин дўст Туркия давлати ва турк халқидир, деди у.

Ислам Каримов мазкур фойеа ҳусусида берилган саволга жавоб қайтарар экан, аввало, Ўзбекистон мустақилликка эришган илк даврдаёқ Туркиянинг учун энг яқин, елкадош мамлакат бўлганини таъкидлади ва қардош давлатнинг исталган пайтда ёрдам қўлини қўзишга таяёрлигини маъмурий изҳор этди. Айни чоғда 16 февраль кунги воқеалар юзасидан қидирув-тергов ишлари давом этаётганини таъкидлади.

Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

Шу кунги Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов номидан Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирал шарафига қабул маросими уюштирилди. Тадбир ниҳоятда С. Демирал мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган туркиялик ишбилармонлар билан учрашди. Мулоқот чоғида турк ҳамкорларининг Ўзбекистонда амалга ошираётган ишлари, янги лойиҳалар тузиш ва ҳаётга таъбиқ этиш имкониятлари ҳусусида сўз борди.

Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирал Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида 16 март куни эрталаб Самарқанд шаҳрига келди.

Шу кунги икки дўст мамлакат Президентлари ўрта аср маънавий маданиятининг буюк алломаси Исмоил ал-Бухорий ёдгорлик мажмуида ташриф буюрдилар.

Шу кунги бу ерда қалбимиз бахт ва ғурур нашидасидан энтиқаидиган қувончли воқеа юз берди. Бу ерда Ўзбекистоннинг яна бир автомобиль заводи иш бошлади. «Самочавто» қўшма корхонасининг тақдирот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирал ушбу янги корхонанинг ишга туширилиши муносабати билан маросим иштирокчиларини қўтлади. Тақдирот маросими сўнггида Самарқанддаги «Сино» ҳиссасдорлик жамияти ва «Коч холдинг» компанияси бўйича қўшма корхона тузиш тўғрисидаги Битим имзоланди.

Сўнгра Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демиралнинг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлди. Матбуот анжуманида Президентлар журналистларни қизиқтирган барча саволларига жавоб қайтардилар.

Куннинг иккинчи ярмида Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирал Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида Бухорода бўлиб, қадимий шаҳарнинг дунёга машҳур диққатга сазовор жойларини бориб кўрди.

Шу билан олий мартабали мехмонларнинг Бухоро сафари ниҳоятда етди. Улар Бухоридан Самарқандга келишди.

Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирал Самарқанддан ватанига жўнаб кетди. Самарқанд аэропортида олий мартабали мехмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва бошқа расмий кишилар қузатиб қолди.

Мамлакатимиз раҳбари шу кунги Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида Президент Ислам Каримовни Бош вазир Уткир Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎЗА) мухбирлари.

Озод юртим сенга мушток, Наврўзим!

Тарғугу

ШАҲРИМИЗНИНГ МАФТУНКОР ТАРОВАТИ

Юртимизнинг улғу айёмларидан бири бўлган Наврўзи оламни халқимиз ҳар йили алоҳида меҳр, қалб кўри ила жиддий тайёргарлик билан кутиб олишга иштилади. Бу йил кутлуғ баҳор айёми мамлакатимизда ўзгача байрам тароват, ўзгача шукҳ билан нишонланади. Бунга биз шаҳар бош раисини Рафъаз ЮСУПОВ билан бўлган суҳбатда яна бир бор амин бўлдик.

— Наврўз умумхалқ байрамида шаҳримизнинг марказий ва гавжум кўчалари, шодибаналар ўтадиган майдонлар қандай кўринишга эга бўлади?

— Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш шаҳар комиссияси биз — расомлар зиммасига масъулиятли вазифа — тантаналар дебоначи бошланадиган Алишер Навоий номидаги Миллий боғни, шаҳримиз кўчалари ва сайилгоҳлари, майдонларини ўзгача бир руҳда безатишни топширди. Биз бу йилги ишларимизга катта ўзгаришлар киритдик.

1999 йилнинг Президентимиз томонидан Аёллар йили деб эълон қилинган боис, ишланадиган кўпгина ишлар ва паннолар ушбу кутлуғ санага бағишланган бўлиб, уларда Ватан фаровонлиги ва тинчлиги йўлида ўрнатилган келатган илғор, ташаббускор аёллар, ибратли оила бекаларини тарғиб қилиш, маънавий қадриятларга, миллий урф-одат ва аъналаримизга ҳурмат-

эҳтиром руҳида, миллий ўзбекона турмушимизни тасвирий суратлар билан безатиш ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Бу ишларни амалга оширишда «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Безаш» ва «Рассом» ижодий корхоналарининг моҳир расомлари, мутахассислари сикдикидан меҳнат қилдилар, тайёр бадий безаш паннолари ўрнатилди.

Шунингдек, Халқлар дўстлиги, Мустиқлик, «Туркистон» саройининг майдонларига, Амир Темури хобони ва кўпгина шохўчалардаги биноларнинг пештоқларига паннолар ўрнатилди. Бундан ташқари шаҳримизнинг ҳар бир туманларида «Тасвирий ойна» марказлари барпо этилди.

Байрам кунлари тунги Тошкент таровати, хилма-хил жилланувчи фаввораларга боғиб тўймайсиз. Бундай гўзал манзараларнинг акс этишида «Тошшаҳар» корхонаси жамоасининг хизматлари беқийёсдир.

Суҳбатдош Моҳира КАРИМОВА.

БАЙРАМГА УЎ ТУЙЛАРИ

Миробод туманида бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган қурувчилар бугун ҳар кунгидан кайрат билан меҳнат қилишмоқда. Чунки улар Наврўз байрами арафасида ўй-жойга мушток оналари хушнуд этиш иштидадилар.

Айни кунларда сўнгги пардоз ишлари амалга оширилаётган Ойбек кўчасидаги 36 хонадонга мўлжалланган 9 қаватли турар жой биноси, ҳар бири 16 тадан хонадон аъзолари-

ни ўз бағрига оладиган Госпиталь даҳасида қад ростлаётган 25-, 26-, 27-уйларда уй тўйлари нишонланади. Ушбу замонавий уй-жойларни «Сифат» ҳиссасдорлик жамияти ҳамда 1-уй-жой қуриш комбинати бунёдкорлари қуришмоқда. Уларнинг сикдикидан қилаётган саъй-ҳаракатлари шундан далолат бермоқдаки, 84 та бахтли хонадон сохиблари Наврўзда кўшалок байрамни нишонлашади.

Дилфуза ҒАФФОРОВА.

Хабарингиз борми?

ТОШКЕНТНИНГ «ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛАРИГА — ХАЛҚАРО МУКОФОТ

Халқаро маркетинг ва сифат ассоциацияси ўзининг йиллик олий мукофотини Тошкентнинг «Оқшом» газеталарига беришга қарор қилди.

Ушбу ассоциация президенти Мануэль Виллагмез Кортинадан «Оқшом» тахририятига юборилган мактубда «Оқшом» газеталари «Олтин ва қумуш сифат белгиси — 1999» мукофоти билан тақдирлангани, бу мукофотни топшириш маросими 1999 йилнинг 20 март куни Мехико Ситидаги Краун Плаза мехмонхонасида бўлиб ўтажаклиги хабар қилинади.

КЕЧА

Тошкент шаҳридаги корхоналарнинг банкротлик ва санация масалалари бўйича ташкилий комиссиянинг мажли-

си бўлиб ўтди. Унда комиссия таркибига ўзгариш ва кўшимчалар киритилди. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳмажон Миржалилов комиссия раи-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҲАМОНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ: Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ҳамончи сессияси 1999 йил 14 апрелда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 1999 йил, 15 март.

ДАВР САДОСИ

Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ҳамончи сессиясини 1999 йил 14 апрелда чақириш тўғрисидаги ва бошқа масалаларни қараб чиқди.

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» мехмонхонасида Туркия Жумҳурияти Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Ўзбек-Турк ишбилармонлар кенгаши томонидан ташкил этилган Ўзбекистон ва Туркия ишбилармон доираларининг бизнес-семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Уткир Султонов «Бритиш Американ Тобако» (БАТ) компанияси бошқарувининг аъзоси, Африка, Яқин Шарқ, Жанубий ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори Ричард Грин раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан БАТ компанияси ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик муносабатлари қўлланини янада кенгайтириш, ўзаро алоқаларнинг истиқболли йўналишлари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Кеча Тошкентда Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлис қатнашчилари аввал байрам дастури билан танишди. Сўнгра дастур муҳокама қилинди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент Давлат шарқшунослик институти билан ҳамкорликда «Диншунослик асослари» фани ўқитилишининг бугунги кундаги долзарб масалалари мавзусида семинар-кенгаш ва бир ҳафталик малака ошириш курсини ташкил этди.

Республика таълим марказида ўзининг синф ўқувчилари учун мўлжалланган янги «Ўзбек адабиёти» дарслигининг тақдимоти бўлиб ўтди. Бу дарслик ўзбек адабиётининг қарийб беш юз йиллик тарихини ўз ичига олган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги муҳбири саволларига жавобларини ҳамда «Халқ сўзи» газетасида босилган «Февраль воқеалари» мақоласини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш бўлди.

Эртага Ўзбекистон Бадий академиясида Ўзбекистон халқ рассоми Абдулҳак Абдуллаевнинг «Автопортрет» иши Италиянинг Ўзбекистондаги Факултетида ва Мухтор элчиси Йоланда Брунетти Годэц хонимга топшириш маросими бўлади. Бу «Автопортрет» Италияга юборилиб, Флоренциянинг Уффици асарлар галереясида муносиб ўрин эгаллайди.

ЖАҲОНДА

Бугун БМТ Бош қотибининг Афғонистон бўйича махсус вакили Душанбега келади.

Жазирда 15 апрель куни президентлик сайловлари бўлажаклиги эълон қилинди. Унда дастлаб кўрсатилган 11 номзоддан фақат 7 нафари курашни давом эттиради.

Россия Федерацияси Давлат Думаси 15 апрелда бўладиган ўзининг навбатдан ташқари мажлисида Президент Борис Ельцинни лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Бугун Латвия Президенти Г. Улманис икки кунлик ташриф билан Грецияга жўнайдди. Бу ерда у мамлакат раҳбарияти билан икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш муаммоларини ҳал этди.

БМТ Бош қотиби Кофи Аннан тавсияси билан ташкилотнинг Сьерра-Леонедаги ҳарбий қучлари ваколати яна уч ойга узайтирилди.

Кеча НАТОнинг Брюсселдаги қароргоҳида Польша, Венгрия ва Чехиянинг Шимолий Атлантика альянсига кириши маросими ўтказилди.

Кеча Москвада иқтисодиёт, саноат ва пул-молия ҳамкорлиги бўйича Россия — Италия кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис ишида Италия ташқи ишлар вазири Л. Дини иштирок этди.

Конго Демократик Республикасида мамлакатнинг янги ҳукумати тузилди. Унинг таркибида 22 та вазир бор. ҚР Президенти Л. Д. Кабила янги ҳукуматнинг бошлиғи ва мудофаа вазири лавозимини ўзида сақлаб қолди.

Душанбеда ўтган йил ёзида БМТнинг тўрт ходими ўлдирилганлиги тўғрисидаги иш юзасидан суд жараёни бошланди.

Пекинда Умумхалқ халқ вакиллари йиғинининг навбатдаги сессияси ўзи ишини якуналади. Ўн бир кун давом этган ушбу анжуманда 3 мингга яқин делегат иштирок этди.

Фаластин озодлик ташкилоти ижроия қўмитасининг Бош қотиби Маҳмуд Аббос Москвага келди. У Яқин Шарқ бўйича Россия — Фаластин ишчи қўмитасининг мажлисида иштирок этди.

Парижда Косово бўйича халқаро конференция бўлиб ўтмоқда. Уни ўтказиладиган мақсад Косово муаммосини ҳал қилиш бўйича сиёсий битимни имзолашдир.

АҚШ Мисрга 3,2 миллиард долларга тенг миқдорда замонавий ҳарбий қурол-аслаҳа сотиш ниятида. Пентагон раҳбари Уильям Коэн Мисрга ташрифи чоғида шундай баёнот берди.

Исроил Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган резолюцияда Исроил ҳеч қачон Қуддуснинг бўлинишига йўл қўймаслиги айтилди.

Ўзбекистонлик машҳур боксчи Артур Григорян ўзининг чемпионлик унвонини сақлашнинг марта химоя қилди. Артур Григорян Европа чемпиони, 27 ёшли испаниялик Оскар Гарсия Кано устидан аjoyиб галабага эришди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ТАШКИЛИЙ КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Мажлисда корхоналарнинг банкротлик ва санация масалалари бўйича «Иқтисодий ноҳор корхоналар ишлари» худудий бошқар-

маси томонидан баён этилган маълумотлар комиссия аъзолари ўртасида кўриб чиқилди ҳамда келгуси режалар ҳақида фикрлашиб олинди.

Оллоҳ қалбимизга, юрагимизга БИРОВГА ЧОҲ ҚАЗИГАН...

Ҳақим НАЗИР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Мен узоқ йиллик ҳаётимда кўп паст-баланд ҳодисалар, ёмон кўргуликларга дуч келганман. Одамлар ўртасидаги бир-бирини кўрмаслик, фитна-пасод, ҳасадқўйликларни учратганман. Аммо февралда юз берганчалик оғир фалокат ухлаб тушимга кирганмас.

Бу фалокат ўзининг чуқурлиги, ёвузлиги, ёввойилиги билан ҳар қандай фожиадан ўтиб тушди. Буниси оддий ҳасадқўйлик эмас, балки кутуриб қилинган ашаддий душманлик эканини кўрсатди. Бизнинг бутун дунё ҳақасини келтирувчи тинч, осойишта, фаровон ҳаётимизга шунчалик қаҳр-ғазаб ва нафрат билан қаровчи ҳаромилар ичимизда изғиб юрганига ақл бовар қилмайди-я! Тузимизни еб, тузлимизга тупурувчи, пайт пойлаб ошимизга захар солувчи ноҳақорлар, разолат ботқоғига ботган бу палид, қабиҳ кучларни халқимиз оқладарлар, падарқушларга тенглаштирар экан, бунга тўла қўшила-миз. Севимли Президентимиз ва халқимиз жонларига қасд қилувчи бунчалик ваҳшён ҳаракатларга ўзини чоғлаган ёвузлар қаердан пайдо бўла қолди, деган савол ҳаммамизни қийнаётганди. Бу саволларга Прези-

дентимизнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига қайтарган жавобларидан бири, аёлларнинг ҳуқуқий савиясини, маданиятини, аёл шахсияти, қадрияти ва гурурини улуғлаш, оила мустақиллигини тақомиллаштириш ва демократик жамият тузумининг барқарор бўлишини тарғибот қилишдан иборат, — дейди биз билан суҳбатда жамият раиси Наима ҲОЛМУҲАМЕДОВА. — «Аёл ҳуқуқи — инсон ҳуқуқи» дастури асосида Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов, Мирзо Улуғбек, А. Икромов, Ҳамза, Яқса-сарой туман маҳалла аёллари ва фаоллари, шунингдек гимназияларнинг юқори синф ўқувчилари тиббиёт ўқув юрти талабалари билан учрашув ва семинарлар ўтказдик.

Ҳуқуқий семинарларни ўтказишда Ўзбекистон тадбиркор аёллар Уюшмасининг бўлимлари биз билан ҳамкорлик қилмоқдалар. Бўлиб ўтган семинарлар аёлларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш мақсадини кўзлабгина қолмай, балки тажрибаларини орттиришда асосий манба бў-

— Жамиятимиз фаолиятининг энг асосий йўналишларидан бири, аёлларнинг ҳуқуқий савиясини, маданиятини, аёл шахсияти, қадрияти ва гурурини улуғлаш, оила мустақиллигини тақомиллаштириш ва демократик жамият тузу-

либ, ўзбек ва рус тилларида Республикада биринчи маърифий ўқув қўлланманинг яратилишига омиль бўлди.

Одатда кўпчилик оилалар ташқаридан тинч-тоқиди. Ҳаёт жараёни шундай мураккаб, инсон ҳаёт денгизи тўлкинларига дуч келиши мумкин ёки денгиз тўлкинлари уни авайлаб қирғоққа чиқариб қўяди. Бу ҳам бўлса муш-

лиятини бошлаган «Таскин» ишонч-маслаҳат хизматининг асосий мақсади турли сабабларга биноан руҳий-эмоционал тушунликка тушиб қолган оилаларимиз, келинла-

1999 — Аёллар йили



ДАСТУР АСОСИДА

Демократик жамият яратиш, ўз республикасининг барқарор тартибига ва маънавий-маданий қадриятларини тақомиллаштириш, аёл шахсияти, қадр-қиммати, гурурини улуғлаш, аёл савобларини, оила институтини, жамияти, табиати муҳофизат қилиш учун ўз ҳиссаларини қўша оладиган аёлларни ўз атрофида бirlаштириш учун бир сўраш ташаббускор аёллар томонидан ташкил қилинган «Меҳри» аёллар жамияти фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўгани йўқ. Лекин бугунги кунга келиб маъруз жамият амалга оширган ишлар қўламини анчагина.

типар она боласининг ноҳўя қилмишларидан изтироб чекиши ва дардини ичига ютиб изтироб чекади. Унинг асаби ниҳоятда таранглашиши натижасида касалликка чалинади ва ҳаттоки ҳаётдан кўз юмишга рози бўлади. Ҳаётини мисоллар жуда кўп. Ана шундай ҳолларда унга мадад берувчи, ҳалоскорлар керак бўлиб қолади. Шу муносабат билан ўз фао-

римиз, бувижонларимиз ва умуман аёлларимизга таскин бериш, уларнинг руҳиятини кўтариш, уларни тушунлик ҳолатига келтирадиган сабабларни, омилларни аниқ-равшан талқин қилиш ва бу сабабларни бартараф қилиш учун авваламбор ўзида ишонч ришталарини ҳосил қилиш ва ниҳоят юзага келган муаммоларни ақлан ҳал қилишга ёрдам бериш.

Давлатимиз фуқаролари янги мураккаб иқтисодий муносабатларга ўтиш жараёнини кечираётган бир вақтда шахсларо муносабат муаммолари эътиборга сазовор бўлиб, бу масалаларни ўрганиш жоиздир. Муносабат муаммоларини тўғри талқин қилиб ва бу масала ечимининг топилиши келажда жамиятнинг мукамал бўлиши учун катта аҳамият касб этади.

ОЛИЖАНОБ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Рўзимурод ТУРДИЕВ,
тиббиёт фанлари номзоди:

— Президентимизнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларини ўқиб жуда тўлқинландим. Йўлбошчимиз ўз жавобларида Тошкентда бўлиб ўтган воқеалар диндорларнинг эмас, балки динни никоҳ қилиб олган ақидадорларнинг иши эканлигини алоҳида таъкидладилар. Разил ниҳоят кимсаларнинг уялмай-нетмай дини исломни никоҳ қилиб олганлигидан нафратланасан киши. Ахир сен

кимсан ўзи, динга қандай даҳлинг бор? Ислом динининг моҳиятида тинчлик, меҳр-шафқат, эзгулик ва савоб ишлар каби олижаноб қадриятларимиз ётади-ку!

Президентимизнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деб айтган, халқимизга хос исломий тушунча ва туйғулар меннинг қалбимда, деган сўзлари Йўлбошчимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни минг марта қайтарди.



Агар эътибор берган бўлсангиз чоп этилаётган болалар китоблари, турли хилдаги лотин алифбоси билан безатилган девор календарлари ранг-баранглиги ва бежиримлиги туфайли кўпчиликка маъзур бўлмоқда. Улар шахримиздаги рангли офсет фабрикасида чоп этилаётди. Бу махсулотларнинг замон талабига таяйиб олинишига сабаб корхонада замонавий технологиялар ўрнатилган бўлиб, бугунги кунда ишлар янада авж олаётини.

СУРАТЛАРДА: қолит таяёрлаш цехининг фахрийларидан (чапдан) Ҳасан Ҳайдаров, Миртемир Рустамов ва Наҳия Кўчқоровалар янги иш режаларини кўриб чиқишмоқда; Шухрат Мирзаев (ўнгда) юмшоқ муқовалаш цехининг машинисти бўлиб бир неча йилдан бери меҳнат қилади. Рустам Шарипов олган суратлар.



ҲАҚҚОНИЙЛИК ЙЎЛИДАН

16 февраль кунин Тошкентда рўй берган мудҳиш воқеаларни, Тошкент кимё-технология институтини кўп кишилик профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳам факультетларда бўлаётган йиғилишларда мустақиллигимиз дўшманларнинг қора ишларини кескин қоралаб, Йўлбошчимиз, хуррият, фидойилик йўлидан боришга азму қарор қилганиларини айтмоқдалар.

— Институтнинг фундаментал фанлар факультетида ўтказилган йиғилишда биз «Февраль воқеалари» сарлавҳали мақолани алам билан ўқиб чиқдик ва юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги қадрига етмаётган номкўр галамисларга ўзимизнинг қаҳр-ғазабимизни билдирдик, — дейди факультет декани, доцент Шавкат Нуруллаев. — Йиғилишда иштирок этган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқармаси бошлиғи Дўлон Ганиев, институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори Фатхулла Исмаилов, кафедра мудирилари мамлакатимизда Йўлбошчимизнинг шахсан кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли ёшларнинг чуқур билим олишлари ва ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлар яратиб берилаётганини алоҳида таъкидладилар. Улар ана шу буюк ғамхўрликларга жавобан юртимиз, халқимиз, Президентимиз учун жонимизни аямиймиз, деб дил изҳорларини билдирдилар. Шунингдек, февраль ойида бўлган мудҳиш воқеалар бизни бундан буён доимо ушбў ва оғоҳ бўлишимиз кераклигини, бу воқеалар бизга сабоқ бўлиши лозимлигини алоҳида уқитдилар.

(Ўз мухбиримиз).

ЖАҲОЛАТГА — МАЪРИФАТ БИЛАН

Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда 16 февраль кунин террорчилик ҳаракатлари ва уларнинг келиб чиқиб сабаблари муҳофизатга бағишланган «Ўқувчи ёшларни диний экстремизм ва ақидадорлик таъсиридан сақлаш» мавзусидаги шаҳар анжумани ўтказилди.

Шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан ўтказилган ушбу йиғилишда бошқарма тасарруфидagi мактабларнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари, туман халқ таълими бўлимлари маънавият ва маърифат бўйича мутахассислари иштирок этдилар. Катнашчилар содир этилган хунрезликларда нима сабабдан айнан ёшлар катнашганликлари, уларнинг шу йўлга киришларига қачон шароит яратилганлиги ҳақида кўнча ақл билан гапириб ўтдилар.

— 16 февраль кунги воқеалар, афсуски бир неча бегуноҳ одамларнинг тўкилган қони, қурбонлар эвазига бизнинг кўзимизни очди, — дейди Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг диний ишлар бўйича кўмита раиси ўринбосари Шоазим Минаваров.

— Кўпуровчиликда иштирок этган ёшлар ҳам

УЛУШ ҚЎШИШДИ

Пойтахтимизда содир этилган фожиага воқеалар барча қатори Чилонзор туманида фаолият кўрсатаётган санаят корхоналарини ҳам бефарқ қолдирмади. Айниқса, тумандаги 2-тажриба механика корхонаси зарар кўрган биналарни тиклаш ишларига муносиб улуш қўшишни айни кунларда ўзларининг муҳим вазифаларини қаторига қўйдилар.

Ушбу жамоа металл бирикмалари ишлаб чиқариш бўйича шахримиздаги йирик корхоналардан бири саналади. Бу ерда буюк британиялик ҳамкорлар билан рақобатбардор, импорт ўрнини боса оладиган махсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида аҳамият бериб келинади. Шу боис ҳам ушбу корхонанинг металл бирикмаларига талаб доимо юқори-дир. Қўшма корхонада ҳар ойда 100 миллион сўмлик қурилиш жиҳозлари ишлаб чиқарилаётгани ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Яна жамоадаги муҳандис-технологларнинг изланишлари туфайли ҳам бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда янги махсулот турлари ҳам яратилди. Зарар кўрган иншоотларни ўз вақтида тиклаш ниятида зарур қурилиш жиҳозлари етказиб бериш учун корхона ахли кечю кеч кундуз самарали меҳнат қилди. Натижада истеъмолчиларга ҳар кунини 1,5 минг квадрат метр сифатли ойна жиҳозлари етказиб берилади ҳамда тиклаш ишларига муносиб ҳисса қўшилди. Шунингдек, корхонанинг ишчи-хизматчилари ҳам зарар кўрган биналарни қайта таъмирлаш ишларига фаол иштирок этишди.

Шарофат БАХРОМОВА.

«Ўзқиллоқхўжаликмашҳолдинг» компаниясига қарашли санаят корхоналари ҳам февраль воқеаларидан азият чеқкан оилаларга моддий ёрдам кўрсатди. Жумладан «Тошқиллоқмаш» ақиддорлик жамияти 500 минг сўм, «Ўзқиллоқхўжаликмашҳолдинг» компанияси 100 минг сўм ажратишга қарор қилди. Компанияга қарашли бошқа корхоналарда ҳам шанбалик туфайли йиғилган маблағ ёрдам фондига ўтказилди.

Темур ТУРСУНОВ.

ЯНГИ МАХСУЛОТ

Пойтахтимизнинг Сергели туманида фаолият кўрсатаётган «Ўзқиллоқмашҳолдинг» компаниясида оқчи турбона ҳиссадорлик жамиятида янги аламиниқ қуймас таяёрланди.

Ушбу алюмин қуймасининг афзаллиги шундаки, бу махсулотдан илгарилари асосан Россиядан келтирилган «ўнча» радиаторлар учун боса оладиган алюминдан қилинган иситиш батареяларини ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Алюминдан таяёрланган радиаторлар «ўнча» радиаторларга нисбатан иссиқликни 1,5 баробар кўп ўтказиши билан қимматлидир. Бежирим ва енгиллиги ҳам унинг афзал томонларидан ҳисобланади.

Металл эритувчилар ушбу махсулотни Тошкент мотор заводида фаолият кўрсатаётган «Италмотор» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга келишиб олишди. Яратилган янги махсулот тури албатта, муваффақиятли синовдан ўтганлиги боис ҳам, иккала корхонага ҳам даромад манбаи бўлиб, шубҳасиз фойда келтириши табиий. Шу билан бирга мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига муҳим хисса бўлиб, четдан «ўнча» радиаторлар келтириш учун сарф қилинадиган валютани иқтисод қилиш имконини беради.

Дилноза ФИЁСОВА.

ЙЎЛКАЛАР ПИЁДАЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Яқинда таъриятимизга чилонзорлик Оқил Турдиев кўнгирак қилиб, унинг саккиз ёшли неварисини машина уриб олганини, ҳайдовчига эса ҳеч қандай қор кўрлмаганлигини айтиб шикоят қилиб қолди.

— Невамамиз ўн кун касалхонада ётиб, даволаниб чиқди. Хайриятки, унга оғир зиён-заҳмат етмади. Борди-ю бирон ҳодиса рўй берса, унда нима бўларди, ўшанда ҳам ҳайдовчи гуноҳсиз бўлиб қолаверармиди? Илтимос, бизга бор ҳақиқатни аниқлаб берсангиз.

Бу ишга алоқадор бўлган ДАН хизматчилари ва тергов идоралари билан боғландик. Улар ва гувоҳларнинг кўрсатма туширувчи бундай салбий кўринишлар барҳам топа бошлади.

Қарангки, кўп ўтмай, ушбу ҳолат ўрнини бошқа «тартиб» эгаллай бошлади. Яъни кўпчилик хонадон эгалари гўё эшик олдини «ораста» тутиш баҳонасида йўл-каларга турли экин ва ниҳоллар ўтказиш ишини бошлаб юбордилар. Кейинчалик бу нав-ниҳолларнинг ҳимоясини таъминлаш мақсадида гаёриқонуний ра-

вишда уларнинг теварак-атрофини тўсиқлар билан ўрай бошлашди. Дастлабки пайтларда унча эътиборсиз кўринган биш йиллар ўтиши билан шу қадар авж олдики, ҳатто йўл-качалар бу ёқда турсин, машина йўлларининг четки қисмларини ҳам мана шундай ўзлаштириш бошладилар.

— Шу ўринда диққатингизни ушбу мактубга жалб этмоқчимиз. «Юнусобод» даҳасининг 18-мавзегига келиб қолган киши банд қаватли уйлар олдидаги темир тўсиқларни кўриб, ҳайратдан оқа ушлайди, — деб ёзилади бир гуруҳ оқшамохлар. — Бу жойдаги банд қаватли уйларнинг орқа-олди томони йўлакларни кимларнингдир томорқасига айланиб қолган. Албатта, биз ободончиликка қарши эмасмиз. Яшил бойликлар ҳамроҳимиз эканлигини ҳам яхши тушунаемиз. Лекин ҳар бир нарсга одоб ва андиша доирасида бўлгани яхши экан. Қўшоқдондан чиқилса, гашигини келтириб, асабининг кўзгаркан. Бундай дейишимизнинг боиси ўша яшил бойликлар шундай пала-партишлик билан дуч келган ерга экиб ташланганки, уларни оралаб, йўлаклар у ёқда турсин, ҳатто катта йўлни ҳам тополмай қоласан баъзан. Бир вақтлар мавжуд бўлган йўл ва йўл-качалар бугун тўсиқлар орасида қолди бўлганига ўзимиз ҳам ҳайрон қолмаймиз. Наҳотки, кўра-била туриб, бу ҳолатнинг олдини ололмадик деб койнаемиз. Ўзбекчиликда андиша кучли-да. Шу туфайли баъзи кўчаларга машиналар қира олмайди. Ҳатто, велосипед кира-чиқши ҳам амримаҳол бўлиб қолмоқда. Ҳурматли редакция, илтимос, шу ҳусудда бизга ёрдам берсангиз».

Афсуски, бундай ҳолат ягона эмас. Ҳозир қайси маҳалла ёки даҳага борманг, шундай симтўсиқ ва темир пан-

Шаҳар ҳўжалиги мавзусида

жараларга ҳар қадамда дуч келасиз. Энг ёмони машина йўллари «сендан мен қоламани» қабилида иш кўраётган қўшилар томонидан ўраб-чирмаб олинаётганлиги кишини ташвишлантиради.

Собир Раҳимов туманининг Ўрол Тансиқбоев мавзегига бир кўча бор. Аҳолини троллейбус ва автобусларнинг сўнги бекати билан боғловчи ушбу кўча ҳамма ахлат уюмлари билан тўлиб-тошиб ётгани бир сари унинг пиёдаларга мўлжалланган йўлкачаси ҳам кўп қаватли уйларда яшовчилар томонидан аллақачон ўзлаштириб олинган. Чалақаласига айланган бу жой бир вақтлар пиёдалар йўлкаси бўлганлигини ҳозир ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтира олмайди. Пиёдалар эса катта йўлдан юришга тамоман одатланиб қолишган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Юнусобод туманида жойлашган Носиров кўчасининг аҳоли ҳам бугунги кун талабига жавоб бермайди. Ўзи ўта тор бўлган ушбу кўчанинг фақат бир қатор машина ҳаракати учун зарур бўлган қисмигина бўш қолдирилган ҳолос. Йўлкалар эса хонадонлар томонидан тоқдор, экинзор сифатида ўзлаштириб олинган.

Абдулла Қодирий кўчасининг юқори қисмини эса хусусий хонаки тадбиркор-ошпазлар бутунлай эгаллаб олишган. Пиёдалар йўлгаи стол-стулар билан тўлиб-тошганлиги учун йўловчилар бу жойдан ўтишолмай, серкатор катта йўлдан юришга мажбурдилар. Бечора йўловчики шу қадар қийналиб турганидан кейин ўйинқароқ ёшлар қаерда қўним топсин? Ҳатто, хонадонларга кириб-чиқиб зарур бўлган машиналар бу ноқулайликдан қийналиб ҳаракат қилишса, арзи-додингизни кимга айтасиз?

Тобора кимўзгарлик ҳолатига кириб бораётган бу салбий кўринишга чек қўйилмас экан, эртга ахвол бундан ҳам ёмон бўлиши табиий. Ҳўш, бунинг учун нима қилиш керак? Назаримизда бу борада маҳалла фаолларининг хизматидан унмולי фойдаланиб, улар эътиборини бу муҳим ишга қаратмоқ керак. Ана шундангина кимўзгарликка бошланган бу ишга чек қўйиш, қокоридаги каби тасодифларнинг олдини олиш мумкин. Бунинг бирдан-бир тўғри йўли ҳам шу. Ахир бекорга ҳам Президентимиз ўзини ўзи бошқариш органлари бўлган маҳаллаларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги аҳамиятига катта эътибор бераётганларига йўқ-да. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонида: «Фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар раислари ва котибларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини, масъулиятларини янада ошириш» ҳақида бежиз гап айтилмаган. Доно халқимизнинг «Отанг маҳалла — онанг маҳалла» деган сўзининг тағида ҳам аслида мана шу маъно ётади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Уч-тўрт уй нарида турадиган маҳалладошим Зиеда онаи ишдан қайтаётми, бекатда учратиб қоладим. Қўлларида иккита оғир халта. Опанинг несадир кайфиятлари йўроқ эди. Саломлашиб, сумкасини кўтаришга ёрдамлашиб юбордим. Хол-аҳвола сўрадим.

фа бўлдим-да. Хабарингиз бор, улар қўш келин туширишган. Овсининг отаси аллақайси идорада раҳбар бўлиб ишлайди. «Овсиним, кудаларингиз олдида юзини ерга қаратманг, улар тараф 60 та тоғора олиб келар экан, яна овсинимнинг ойиси ҳайитга кийиш учун тўрт хил тайёр кўйлак ҳам олибдилар. Уч кун ҳайитда ҳар куни 2 маҳалдан иссиқ овқат ҳам юборишармиш. Биласизми ойи, хилма-хил ичимликлар, ҳатто коньяккача олиб келиб ташлашди. Нима мен ерга қараб ўтираманми? Сарпода қилган кўйлакла-

қизим мунгайиб қолади, ахир тўйда ҳам аҳволимизни кўриб бирор нарса қилма-нлар дейишмади-ку...
Тўғриси опага ачиниб кетдим. Ўтган Ҳайит байрамидан кейин бир-иккита «келин кўриш»га борган қўшилларимнинг гаплари ёдимга тушди:
— Дастурхонни кўрсангиз, — деди бири, — мендан бошқа ҳамма нарса бор.
— Ярим соат ўтирдикми-йўқми, келин тўрт марта кийим алмаштирди, ҳаммаси «импортний», — деди иккинчиси.
— Мебелени кўрдингизми, — учинчи-

нг устига келин тушган хонадонни билмаган, унинг аъзоларини танимаган ғирт бегоналар ҳам келин кўриш баҳонасида кириб келаверинди. Бунинг устига келин бир ёқда қолиб, фақат дастурхондаги ноз-неъматлари кийим-кечакларга таъриф берилди холос.
Авваллари ҳайит кунлари келинникида дастурхон тузалганда фақатгина шарқона пишириқ ва ширинликлар кўйиларди. Энди эса хорижий «банан»идан тортиб «киви»гача, турли хил шарбатлардан тортиб коньяккача дастурхон «безаги» бўлиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Яна шуниси ачинарлики, бу нарсаларнинг барчасини келин тараф — «шўрлик» кудалар юборишлари шарт. Одатда келинга ҳайитлик бир кунда — арафа куни 3—4 тоғорада олиб келинади. Эндичи?! Уч кун ҳайитда қиз томоннинг иссиқ таом келтириши ҳам одат тусига кирмоқда.
Истардикки, келиннинг дастурхондаги «бор-йўқ» нарсаларга, уй-жиҳозлари, кийим-кечакларга эмас, шу хонадонга муносиб тушган келинчакка ҳавас қилайлик. Арзимаган борди-келди тоғорау сарполар учун қандайдир орасига совуқчилик тушгани, ёш оиланинг барбод бўлгани деганининг шу боис ҳам шаҳримиздаги ҳар бир маҳаллардаги хотин-қизлар кенгаши аъзолари аёллар орасида иш олиб бориб, Президентимиз Ислам Каримовнинг тўй ва маросимлари дабдабазлик билан ўтказишнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони ҳаётга изчиллик билан тадбиқ этишда янаям фаол бўлишлари лозим. Ана шунда исрофгарчиликнинг ҳам олди олинади, ҳар хил ноҳуш воқеалар туфайли ёш оилалар бузилиб кетмайди. Ҳайит байрамимиз ҳам янги келинчақлар учун ўзларининг назокату ҳаёларини, одобу гўзаллигини намоян этакданга байрамиларга қолсин. Келинларини унинг ота-онаси ҳайитда юборган тоғорау сарполарига қараб эмас, қалби тўла шу хонадонга бўлган меҳр-муҳаббати, садоқату ифпати билан баҳоласан, кўнгилдагидек иш бўларди.

Шарифа ИЛЁСОВА.

Муносабат

ДАСТУРХОНИГА ҚАРАБ ЭМАС...

балки ифрату назокатини баҳолайлик

рингизни ҳамма кўриб бўлган. Тоғораларни бўлса қариндошларга айтасиз-да. Шунга айтгани келдим. Ҳа, айтгандай, куёвингизни ҳам биласиз, унча-мунча кийимларни киймайди. Киядиган бўлсин-да, ойи. Менинг ҳам тилимиз узун бўлади... Кейин-чи ойи, куёвингиз ҳайитнинг учинчи куни 10—15 та ўртоғи билан келар эканлар. Қайнонамлар айтадилар...»
Энди нима қилишимни билмай гарангман. Ишдан «бюллетень» қилиб кунига бозорга чопаятман. Лекин шунча нарсани қаердан оламан, ҳайронман. Қариндош-уруғнинг ҳам ўз тирикчилиги бор, ҳадеб уларга «солиқ солиш» ҳам уят... Ўз тенгим билан қанда бўлсам бўлмасми-ди-я...
— Балки аҳволингизни қудаларингиз тушунишар, келишиб иш қилсангиз бўлмайди, шунчалик қийналмай, — маслаҳат бердим уларга.
— Э, йўқ, ахир қайнонаси ўзи юборибдику, «ойингизга айтинг» деб. Унда,

си, — ичи тўла биллур идишларга кўзингиз қамашади.
— Келин-чи, ундан ҳам гапиринглар, ҳадеб буюмдан гапирмай, — ҳазил аралаш гапга қўшилдим, мен ҳам.
— Вой, кўп ўтирмадикда, унга тузук-қуруқ қарамабмизам, кўхликкина шекилли...
Тўғри, Ҳайит байрамидан янги тушган келинларимиз дастурхон тузаб, ўз меҳмоннавозликларини, одобу ахлоқларини намоян этакдилар. Бу ҳам яхши урф-одат ва аънасаларимиздан ҳисобланади. Янги келинчақнинг ҳар бир кириб келган одамга ифрату ҳаё билан саломга эгилиши, ҳурмат билан чой узатишлари, келинлик назокати ила дастурхондаги пишириқлардан тановул қилишга ундашлари барчани мафтун этиши табиий. Лекин юқоридаги воқеаларни кўриб, эшитиб, кейинги пайтларда бу яхши одатимиз ҳам ким ўзарга айланиб қолмаётгани, деб ўйлаб қолсан киши. Уни-

БЕТАКРОР МАНЗАРАЛАР

Ногаҳон дераза қаноти очилиб-ёпилишидан уйғониб кетдим. Ярим кеча, ёмғир олдидан бўладиган шамол тўполон қилиб, еру кўкни чанг-тўзонга буркаётган эди.

Мана, кўкларнинг дарахларни қиш уйқусидан уйғотувчи илик шамоллари ҳам бошланди. Ҳаводан узок-узокларга ёққан тунги ёмғир ҳиди кела бошлади. Бир-икки соатдан кейин бу ерларга ҳам шаррос қуйса ажаб эмас.

Ёмғир ёққач йўлақларда кўлмак — митти кўлчалар пайдо бўлади. Уларда эса куёвнинг акси. Ёрилиб, пўст ташлаган қуртакларнинг беқасам парчалари жимир-жимир сузади. Бири ишга, бири ўқишга, бошқаси эса бирор юмуш билан бозорга шошилаётган шаҳарликлар жануб томонлардан шамол қанотларида келган исмалоғу бойчечак, ўрикзору бодмзор боғлар ифори-атрини ҳузур қилиб нафас олишади. Мен ҳам кўкларни қаршилаб кўчага чиққан шаҳар одамлари орасидан шу онларда. Атрофга сездирмай сеп ёзаётган кўклар чиройидан завқланиб шаҳар кезаман. Юрагимга кўклар шамолчи ҳайқатиб юборган хислар хум ўтказса бошлайди. Бу соғиниш, кўмсаш туйғуси. Бу туйғу айни кўклар уйғонаётган палларларда бутун мавжудот вужудига тўлқин олиб кириши шубҳасиз. Шунда-да қарвон-қарвон турналар, чағалайу ҳаққушлар қишловларидан ошис-олис манзиллар томон парвоз қилганда балки шу қудратли куч асирюда бўлар. Бу соҳир ҳиссиёт, бу ҳадисиз туйғу мени кеч қузда юрган овгоҳларга элитади ҳаёлан. Хотирамда табиатнинг бетакрор манзараси намоян бўла бошлайди...

Тағбирлар

Маълумки, маънавий жиҳатдан мукамал инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий ўғонни ғоясини рўйбега чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифасидир. Келажак учун иқтидорли муस्ताқил фикрлашчи ёшларни тарбиялашда маҳалла аҳли ҳам ўз ҳиссасини қўшишмоқда.

Шайхонтоҳур тумани, Ҳабиб Турсунов номи 186-ўрта мактабда иқтидорли, ашчи, шунингдек туман, шаҳар олимпиадаларида голибликни қўлга киритган бир гуруҳ ўқувчилар «Исломобод» маҳалла кўмитаси томонидан ажратилган стипендия билан мукофотландилар. Шу ҳақдаги фикрлар билан танишинг.



Кўкларда тугилар ҳислар...

ҚАМИШЛИКЎЛ ТИЛСИМИ

Қамишликўл туйдай чўқиб ётган кўнғир қирлар қуршовидаги энг катта суг сарҳади. Бу ер бизнинг овгоҳ. Овчи ҳамроҳим Жўрақул билан шу кўл қирғоғидаги чорпоёда ўтирибмиз.

Жўрақул овга, истироҳат қилишга завқи банд йигит. Ҳаётнинг кўп синовларидан ўтган. Овга ишқибозлик унга отамерос. Ов овлашда мўлжални бехато олади, нишонга аниқ уради. Аммо у бўлар-бўлмас ўқ отиб, жониворларга қирон келтирадиган овчилар тоифасидан эмас.
Чорпоёдан ўн одим нарида гулхан ёқиб чой қўйганмиз. Тошбақа қосасиди декарда қуюқ ўрдак шўрва бил-бил элиб қайнаб турибди. Овгоҳда бундай доривор шўрвадан тобиб кўр-мабсиз, дунёга келмасиз! Дардингизга даво, ранжингизга ши-фо турган битгани.
...Тунги шамол кўл тубидаги балчиқ ҳидини димоққа уради. Лекин бундан ранжиш йўқ.

Негаки, биз ўтирган очик ерга чивин йўламайди. Ҳаво қуруқ ва тоза. Қаршимизда тунги кўл чайқалиб бағридаги сирларни тўлқинлар тилида сўзлаганча кўлдузларга тикилади. Мен унинг тунги чиройи қаршисида лолман.
«У, Қамишликўл, Қамишликўл, — дейман лабларим шивирлаб, — тилсимингни оч! Сенинг соҳилингга қўлда яроғ билан митти, содда, ишонувчан жониворларингга зиён-заҳмат етказгани келганим йўқ, Яроғим, шунчаки овчи деган номни оқлаш учун ўзим билан олиб юрган бир матоҳ! Мен сенинг соҳилингга оқшомни, юлдузлари афсоналар сўзловчи тунни кўриш учун, рўҳимга мадад, ором, ҳузур, завқу са-

ЮЛДУЗЛАР АФСОНАСИ

Сомон кўл уқан ёйдай марғабдан машриққа тортишган кўлдан камарга ўхшади. Чорпоёда ўтирибман-у, нигоҳим осмонда. У ерда барқутга қадаланган дурдек ятираган миллионлаб юлдузлар кўз қисади, туманликларда из қолдириб узок масофаларга учеди.

Шаҳар осмонида юлдузларни санасан саногига етасан. Бу ердаси?.. Бир, икки, уч... ўн олти... Йигирма саккиз... барибир адашиб кетасан. Негаки, юлдузлар эч, ёрқин, порлоқ. Уларни санашда биз турмушда ишлатиб келадиган рақамлар етмай қолади. Яхшиси, санамайман, уларнинг бир бирига ипак нуруларига сўзлашавтанини қузатаман. Ана, мен севган Дубби Акбар. У гўё яйловда гулхан ёққан мўйсафиди чулу, атрофидида кичик юлдузлар эса гулханни қўршаган болакайлар. Гуё ул бузрук болаларига қадим афсонани

Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ, журналист. Муаллиф олган сурат-лавҳалар.

МАҲАЛЛА МУКОФОТИ

● **Исломобод маҳалла йигини раиси Эркин КОСИМОВ:**
— Биз совриндор бўлган ёшлардан мамнунмиз. Маҳалламиз номидан мукофот ажратилишдан мақсад аълочилар сафини кенгайтириш, ҳар бир ўқувчининг илмга бўлган интилишини қучайтириш. Стипендияга номзод бўлган ўқувчиларга ҳар ойда белгиланган миқдорда стипендия бериб бориладим.
● **Шухрат АЗИМОВ, 11-синф ўқувчиси:**
— Бу тадбир маҳалла ташаббуси билан илк бор ўтказилди. Бунинг қадрига етмоғи-

миз даркор. Мустақил давлатимизда бизга илм олишда барча шарт-шароитлар, қўлайликлар мавжуд. Бундан оқилона фойдаланиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Ҳар биримиз аъло баҳоларга ўқисак Ўзбекистонимизнинг келажиги буюқ давлат бўлишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.
● **Фарҳод ШАРИПОВ, 10-синф ўқувчиси:**
— Фахрли аълочи ўқувчилар қаторида бўлганимдан қувончим чексиз. Ҳар биримиз ўз тақдиримизни Ватан тақдирини билан боғла-

ган ҳолда меҳнат қилишимиз лозим. Бу — Ватанимиз олдидаги ҳам инсоний, ҳам фуқаролик бурчимиздир.
● **Умид ЗИЁДОВА, она:**
— Қизимнинг муролага берилгани зое кетмади. Маҳалла аҳли илм излаган ёшларни муносиб тақдирлаганидан хурсандман. Ёш авлодни тарбиялашда маҳалла аҳли ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу эса давлатимизнинг одил сиёсатидан далолат бериб турибди...
Кеча сўнггида мактаб ўқувчилари қизиқарли саҳна кўринишлари, гўзал ракс ва кўшқлар ижро этиб йиғилганларни хушнуд этдилар.
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА.

Янгиликлар, воқеалар

— Биз ва жаҳон

ДЎСТЛИК RIШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Пойтахтимизнинг «Интерконтинентал-Тошкент» меҳмонхонасида Ўзбекистон-Швейцария дўстлик жа-мийати тузилди.

Таъсис йиғилишида Швейцариянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси жаноб Пьер Жановски қатнашиб, келажакда Ўзбекистон — Швейцария халқлари орасида дўстликни мустаҳкамлаш, икки халқ ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантириш борасидаги ўз фикр ва истакларини баён этди.
Ўзбекистон — Швейцария дўстлик жамиятининг раиси этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари А. Абдуқодиров сайланди.
Мурод ИСЛОМОВ.

— Анжуманлар

ХАСТАЛИКНИ ЧЕКINTИРИШ УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ишдаги эпидемияга қарши фавкуллода комиссияси томонидан ҳаққоро «Экосан» жамгармаси билан бирга-ликда давра столи атрофида «Гриппга қарши профилактика ва кураш» мавзусида анжуман ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, республика санитария-эпидемиология хизмати, Вирусология илмий-тадқиқот институти, республика Саломатлик маркази раҳбар ва ходимлари, тиббиёт ўқув юрталари талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Қатнашчилар грипп эпидемияси ва шу сингари ўткир юқумли хасталиклар кўпайган ҳолати пайда мамлакатимизда профилактика зарарсизлантириш ишларини тўғри ташкил этиш, бунда барчанинг четда турмай фаол иштирок этиши хасталик вирусларининг соғлом тананга юқмаслигида муҳим омил бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, унда аҳоли орасида грипп ва ўткир юқумли хасталикларни бартараф этиш борасида тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида Санитария-Экология бирикмаси тузиш ҳақида ҳам қарор қилдилар. Тиббиёт ўқув юрталарининг юқори курс талабалари, «Экосан» жамгармаси фаоли сифатида жамгарма гувоҳномасига эга бўлганлардан иборат бўладиган бу отряд аъзолари аҳоли орасида уйма-уй юриб кенг тушунтириш ишлари орқали санитар соф муҳитни юзга келтирадилар.

Йиғилишда «Экосан» жамгармасининг шахримиздаги ўн битта болалар муассасаларига 800 минг сўм ҳажмидаги биоэлектрoактив хусусиятга эга бўлган «Эсперo» суви топширилди.

Нигора НАЗАРОВА.

— Кўрғазмалар

ТОШДАГИ БИТИКЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида «Тошларга битилган миниатюра» кўрғазмасининг илк намойиши бўлиб ўтди.

Тошга тасвир тушириш бизга қадимдан маълум. Бунга битик тошдаги тасвирлар мисол бўлади. Ҳозирги кунда тасвирий санъатнинг бир турига айланиб бораётган тошларда меъморий миниатюра ҳам барчани ўзига ром этмоқда.

Инсон қўли билан яратилган бир-бирини такрорламас миниатюралар, аёллар тақинчоғи ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Шундай гўзал тасвирларни яратиш инсондан нафақат истеъдодни балки табиат яратган гўзаллиқни кўра билиш, қалбани ҳис этишни талаб этади. Мана шундай гўзаллиқни шу соҳада кўп йиллардан буён ижод қилиб келаётган Е. Нурмухамедова ва расомлар уюшмасининг аъзоси Г. Йўлдошева каби қўли гул устали яратганлар.

Моҳира КАРИМОВА.

Янгиликлар, воқеалар

— Бека

МАЗАСИ ОҒЗИНГИЗДА ҚОЛАДИ

Уйдабурон бекалар дастурхонини беҳаш учун турли иширилди ва салатларни уйда тайёрлайдилар. Қуйдаги пишириқ ва салатларни уй шароитида бемалол тайёрласа бўлади.

● **ШАКАРЛИ ПЕЧЕНЬЕ.** Маргарин хона ҳароратида юмшатиб кўпчилдилади. Унга шакар, тухум қўшиб яна кўпчилдилади ва сиркада эритилган сода солиб аралаштирилади. Тайёрланган суоқликка ун солиниб, ҳамир қорилади. Сўнг ун сепилган столга ҳамирни ёйиб, қалинлигини 5-6 миллиметр қилиб, керакли шакллар билан кесилди. Сўнгра печенье юзига тухум, шакар ёки майдаланган ёнғоқ селиб, духовка патнисига териб чиқилди ва +230-250 даража ҳароратда 10-15 дақиқа пиширилди.

● **БИСКВИТЛИ ТОРТ.** Бу торти тайёрлаш учун тухумнинг оқидан сариги ажратилди. Оқи совитиқча совуғини аралаштирилади. Тухумнинг саригига ярим стакан шакар қўшиб, эригунича яхшилаб кўпиртирилди. Совутилган тухум оқининг ҳажми 3-4 баробар ортунича кўпчилдилади ва озождан шакар қўшилди. Тухум сариги ҳам кўпчилди унга оқининг учдан бир қисмини солинади ва унга ун қўшиб аралаштирилди. Сўнгра қолган тухум оқини ҳам ҳосил бўлган аралашмага секин-аста қўшиб борилади. Шакли тўвага пергамент қоғоз ёйилиб, бисквит ҳамир қуйилди ва газ иссиқхонасида 200—220 даража ҳаро-

ратда 10-15 дақиқа пиширилади. Пишган бисквит совутилиб шарбат шимдирилди. Сариге яхши кўпчилди, озождан қуялтирилган сут қўшиб яна кўпчилди крем тайёрланади. Бисквитларга крем суртиб бир-бирига ёпиштирилади ва қандолат шприцида крем билан безалади.
Бисквитли торт тайёрлашда 6 та тухум, 1 стакан ун, 1 стакан шакар, крем учун эса 300 грамм сариге, 450 грамм қуялтирилган сут миқдорида масаллик ишлатилди.
● **САБЗАВОТ ВИНЕГРЕТ.** Пиширилган лаваля, картошка, сабзи пўсти артиб тозаланади, майдалаб тўғралади. Қўқ пивз, бош пивз, тузланган бодиринг ва тузланган қарам ҳам майда қилиб тўғралади, лавалядан бошқа ҳамма сабзавотлар аралаштирилди. Салат ёғи солиниб, тузи ростиланади. Тайёр бўлган салатга лаваляни аралаштирасиз. Салатни идишларга солиб, солинган масалликлар билан безатилди.
● **ТУХУМ-ДЎЛМА** САЛАТИ. Сувада пўширилган тухумни кўндалангига бўлиб, сариги ажратиб олинади. Саригини эзиб, унга майда тўғралаб жазланган пивз, сариге, сметана, туз қўшиб аралаштирилди. Тайёрланган аралашмага тухумнинг оқига солиб, устига сметана қўйиб безалади ва дастурхонга тортилади.
Назира ПИРОВА тайёрлади.



АССАЛОМ, ФУТБОЛ БАҲОРИ!

Эртага мамлакатимизда футбол бўйича саккизинчи Миллий чемпионат ўйинлари бошланади

«ПАХТАКОР»НИНГ РЕЖАЛАРИ

«Пахтакор» жамоаси ўтган мавсумда ўзининг ҳужумкор ва шиддатли ўйинлари, чиройли комбинациялари билан барча муҳлисларини шод этиб мамлакат чемпиони бўлган эди. Хўш, жамоанинг бу йилги режалари қандай кечди? Биз жамоа бошлиғи Аскар Толибжоновга ана шу саволлар билан мурожаат қилдик.

— Аскар Имомжонович, айтингчи, жамоанинг янги мавсумга тайёргарлик даражаси кўнглида қандай бўлди?

— Маълумки, жамоамиз тайёргарликнинг дастлабки босқичларини «Пахтакор» ўйингоҳида, Қибрайдаги ўқув-машғулот базасида, Бирлашган Араб Амирликлари ҳамда Саудия Арабистонида ўтаган эди. Мавсумга тайёргарликнинг якуний босқичларидан бири Германияда бўлиб ўтди. Дастлаб бундеслигнинг етакчи жамоаларидан бири, турнир жадвалида бешинчи ўринни эгаллаб турган Берлиннинг «Герта», сўнг эса Магдебурннинг «Магдебург» жамоалари базаларида ўқув-машқ йиғинларини ўтказдик. Саккиз кун давомида Германия клублари бизга жуда яхши шарт-шароитларни яратиб беришди. Ҳар иккала жамоа билан ўртоқлик учрашувларини ҳам ўтказдик.

Энг қувонарлиси, «Магдебург» клуби биз билан ўртоқлик учрашувида бағишлаб жуда чиройли буклет чиқарди. Ушбу йиғинни ўтказишдан асосий мақсад командамизнинг жисмоний тайёргарлигини та-

комиллаштириш ва ўйин услубини яхшилаш эди. Фурсатдан фойдаланиб шу сафарни ташкил этишда катта ёрдам кўрсатган Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Магдебурннинг «SKET» компанияси раҳбарларига ўз миннатдорни билдирамиз. Мавсумга тайёргарликнинг якуний босқичи эса Қибрайдаги ўқув-машғулот базасида бўлиб ўтди. Жамоамиз ўйинчиларининг ҳолати яхши, тайёргарлик даражаси қониқарли.

— Жамоа таркибидagi ўзгаришлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Жамоага бу йил бор-йўғи иккита янги ўйинчи қабул қилдик. Яъни «Дүстлик» жамоасидан Владимир Галянов ҳамда «Темирйўли» вакили Александр Писаревлар бу йил «Пахтакор» таркибида тўп суради. А. Рошчин «Хоразм», С. Ходиев, ака-ука Эркин ва Дилмурод Назаровларга «Трактор» жамоасига ўтишга рўхсат бердик. П. Бугало эса Россия жамоаларидан бирида тўп суради.

Маълумки, бу йилги чемпионатда ҳам олий лига командалари ўринбосарлар таркиби билан қатнашади. Шу сабабдан «Пахтакор» ўринбосарлари таркибига асосан Тошкент шаҳридаги футбол мактабларида чарм тўп сирларини ўрганган 1980-81

йилларда туғилган бир қатор ёш, истеъдодли ўйинчиларни қабул қилдик. Ўйлашимизки, мавсум давомида улар ҳам ўз маҳоратларини кўрсатишади.

— Жамоа бу йил ўз олдига қандай режалар қўйган, қандай мусобақаларда иштирок этади?

— Бу йил «Пахтакор» Ўзбекистон миллий чемпионати, мамлакат Кубоги, Осиё чемпионлари Кубоги, шунингдек бир қатор халқаро турнирларда иштирок этади. Жамоа раҳбарлари ва ўйинчилари олдига ҳар галгидек чемпионлик унвонини сақлаб қолиш, республика Кубогини қўлга киритиш, Осиё чемпионлари Кубогига иложи борича муваффақиятли қатнашиш вазифарлари қўйилган. Бунинг учун мураббий ва ўйинчиларда етарлича шарт-шароитлар мавжуд. Энг муҳими, жамоанинг асосий ўзагини ташкил этувчи М. Қосимов, А. Хвостунов, И. Шквинин, А. Аюпов, О. Пирматов, Н. Ширшов каби ўйинчилардан умидимиз катта. Бундан ташқари, таъсисчи ва ҳомийларимиз ҳам жамоага ёрдам қўлларини қўзишга тайёр туришибди.

Сухбатдош
Дилшод ИСМОИЛОВ.



Наврўз айёми арафасида бошланадиган VIII Миллий чемпионат баҳслари мана шундай ҳужумкор ўйинларга бой бўлади деган умиддамиз.

«ТРАКТОР»: МУҲЛИСЛАР ОЛДИДАГИ ҚАРЗ

Эртага бу йилги футбол мавсуми бошланади. Унга Тошкентнинг «Трактор» жамоаси ҳам нухта ҳозирлик кўрмоқда. Биз «Трактор» жамоаси бош мураббийси Равадан Хайдаров билан шулар тўғрисида сўзлашдик.

— Равадан ака, маълумки, ҳар бир муваффақият негизда ойдан бошлаб юбордик. Бунда бир ой давомида йигитларимизнинг жисмоний тайёргарликлари юзасидан машғулотлар олиб бордик. Машғулотлар давомида йигитларимиз жисмоний ҳаракатларни тўлиқ эгаллаб бормоқдалар. Шунингдек, жамоамиз «Пахтакор-79» хотира турнири ҳамда бир неча ўртоқлик учрашувларида қатнашиб муваффақиятли натижаларга эришди. Мана энди йигитларимизнинг жисмоний тайёргарлигини ўз маромига етказиб, февраль ойдан бошлаб техник-тактик маҳоратларини оширишга асосий эътиборни қаратдик.

— Тайёргарлик жараёнида кўпроқ қайси жиҳатларга эътибор бердингиз?

— Жамоамизнинг жисмоний тайёргарлиги талаб даражасида, бироқ техник-тактик томондан натижалар биз кутгандек эмас. Шу боис ҳам ҳозир асосий эътиборни шунга қаратмоқдамиз. Зеро, йигитларимиз ҳали ёш, шу баробарида янги қабул қилинган футболчиларни командага қўйиб, жамоа таркибида ўз ўринларига тўри қўйишимиз керак. — Жамоа таркибида қандай ўзгаришлар бўлди? — Жамоамизни бир қанча

ўйинчилар тарқ этиб, ўрнига бошқалари келишди. Жумладан, Чобанов, Маждидов, Бугатер, Елвитаев, Бургардинлар тарқ этиб, уларнинг ўрнига биринчи ва иккинчи лига жамоаларидан Халимов, Сайдахороров ва бошқалар қабул қилинди. Шунингдек, танкили футболчилардан «Пахтакор» жамоасидан С. Ходиев, ака-ука Назаровлар, «Навбахор» жамоасидан Аҳмадхонлар айна чогда жамоамиз таркибида машғулотларда қатнашмоқда.

— Жамоага ҳомийлик қилётган ташкилотлар тўғрисида ҳам тўхтагангиз.

— Энг асосий ва доимий ҳомийларимиз, бу — Тошкент трактор заводи» акционерлик жамияти ҳамда Мирзо Улугбек тумани ҳокимлигидир. Шу билан бирга тумандаги бир қатор ташкилотлар ҳам бизга қиёндан кўмак бермоқда.

— Бу йилги чемпионатдан қандай натижалар кутилмоқда?

— Эсингизда бўлса, ўтган йили жамоамиз 14-ўринни эгаллаган эди. Бу кўрсаткич албатта на бизни, на муҳлисларни қониқтирди. Шу сабабдан ҳам бу йилги мусобақаларда юқори ўринларни эгаллашни олдимида мақсад қилиб қўйдик. Шу қатори ўтган йилги хатоларимиздан тегишли хулосалар чиқариб, мавсумга ушшоқлик билан тайёргарлик кўрдик. Узингиз ҳам муҳлисларимиз асосан ёш ўйинчилардан ташкил топган. Ўтган йили эса биз учун синов йили бўлган эди. Бу гал яхши натижаларга эришиш учун, муҳлислар олдидagi қарзни узиш учун ҳаракат қиламиз.

Очил ҲАҲРАТОВ
сўхбатлашди.

Изхор

ОМАД БЎЛСИН СЕНГА ЁР!

Мен ҳам болаликдан «Пахтакор»нинг ашаддий муҳлисиман. Унинг ҳар бир ўйинини ҳажжонлашиб томоша қиламан.

Гўё машҳур мутойибачимиз Эргаш Каримов семимли «Пахтакор» командамизнинг ютган ва ютқизган пайтларидаги ҳолатимизни биз муҳлисларнинг роса ҳам «ичига кириб» намойиш эта олганига «тасанно» деймиз. Яхшиямки, Эргаш Каримовдай машҳур санъаткор-қизқичқимчи бор. Йўқса, пахтакорчиларга ўз дардимизни қандай қилиб айтган бўлар эдик.

«Тошкент оқшоми» газет-хонлари, менга қалбдош пойтахт командамиз чарм тўп усталарининг муҳлислари «чин кўнглидан айтилган ушбу даъватимга қўйилсалар керак»

«Пахтакор» бу йил ҳам чемпион бўлиб, XXI асрни ёруғ юз билан кутиб олсин! Семимли командамиз аъзолари ашил майдонга фақат галаба иштиёқи билан тўшиб, завқ-эхтирос билан кўтаринки руҳда тўп сурсинлар.

Абдуғаннопа ТОЖИЕВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент.

ТАНИШИНГ: «ПАХТАКОР» — 99

Жамоа бошлиғи: Аскар ТОЛИБЖОНОВ
Бош мураббий: Аҳмад УБАЙДУЛЛАЕВ
Мураббий: Тўра ШОЙМАРДОНОВ

Дарвозабонлар: Рустам ШОЙМАРДОНОВ
Герман БЕЗДЕНЕЖНИХ Мурод АЛИЕВ
Абдуллаҳ АБДУРАЗОҚОВ Қайрат УТАБОВЕВ

Ҳимоячилар: Ярим ҳимоячилар:
Бахтиёр АШУРМАТОВ Миржалол ҚОСИМОВ
Бахтиёр ҚАМБАРАЛИЕВ Нуъмон НУРМАТОВ
Александр ХВОСТУНОВ Отабек ПИРМАТОВ

Сарвар АКРОМОВ

Владимир ГАЛЯНОВ

Андрей СТРЕЛЬЦОВ

Ҳужумчилар:
Андрей АКОПЯНЦ

Николай ШИРЦОВ

Игорь ШКВИРИН

Роман БАШИРОВ

Азамат АБДУРАИМОВ

Александр ПИСАРЕВ

ИМКОНИЯТИНГИЗНИ ҚЎЛДАН БЕРМАНГ!

Сизнинг лотерея билетларини харид қилиш учун пул сарфлашингизга ҳожат бўлмайди.

Сиз электрдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаган ҳолда ушбу мукофотлардан бирининг соҳиби бўлишингиз мумкин.

Ҳар чоракда ўтказиладиган қимматбаҳо ютуқлар тиражидида электр қуввати учун тўловлар бўйича қарзи бўлмаган маиший истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб рақамлари қатнашади.

Навбатдаги ютуқлар тиражи 15 апрелда ўтказилади.

Маълумотлар учун телефонлар: 133-82-03, 136-60-32.

Электр энергияси ҳақини ҳар ойда тўлашни унутманг!

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси.

«АВТОАЛОҚА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БАРЧА АКЦИОНЕРЛАРИГА

1999 йил 14 апрель соат 9.00 да

Куйидаги манзил: Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, «Марказ-27» мавзеси, 42-АТСада «Автоалоқа» акционерлик жамияти акционерларининг умумий мажлиси бўлади.

КУН ТАРТИБИ

- Акционерлик жамиятининг 1998 йилдаги молия-ҳужалик фаолияти тўғрисида ҳисобот. Балансини тасдиқлаш.
 - Тафтиш комиссияси ҳисоботи ва аудитория хулосасини тасдиқлаш.
 - 1998 йил учун фойда (дивидендлар)ни тақсимлаш.
 - Акционерлик жамиятининг ишчи органлари ва бошқарув кенгашига ўзгаришлар киритиш тўғрисида.
- Йиллик баланс «Прогресс» аудиторлик фирмаси (лицензияси МФ № 372, 1997 йил 19 июлда берилган) томонидан текширилди.
- «Автоалоқа» акционерлик жамиятининг Низом жамғармаси — 6640 минг сўм.
Фойда — 8034 минг сўмни ташкил этди.
- Қузатув кенгаши.

«Сардор-26» жамоа корхонаси (26-дориқона)га Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика қўмитаси томонидан рўхсат этилган, «Дори-Дармон» давлат акционерлик ассоциациясининг назорат-таҳлил лабораториясида сифат назоратидан ўтган тайёр фармацевтика препаратлари ва тиббиёт йўналишидаги буюмларни сотиш ҳуқуқини берувчи 1998 йил 24 февралда берилган № П-53/1169 фарм рақамли йўқолган лицензия БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«АЛПОМИШ» САРОЙИДА — АРТУР ГРИГОРЯН

Ўзбекистон «чарм қўлқоп» усталарининг халқаро майдондаги йирик галабалари юртимизнинг жаҳон бокс марказларидан бирига айланиши учун ҳақли равишда эътибор қилинмоқда.

Хусусан шахримизда Жаҳон ҳаваскорлар бокси уюшмаси ижроқўмининг кенгаши бўлди.

Шуни таъкидлаш кераки, Жаҳон ҳаваскорлар бокси уюшмасининг бундай йиғилишлари фақат бокс ривожланган мамлакатларда бўлиб ўтади. Бу бизнинг кейинги пайтлардаги улкан ютуқларимизнинг мевасидир.

— Шу йил октябрь ойда Тошкентда бокс бўйича Осиё чемпионати ўтказиладиган бўлди, — деди уюшма президенти, профессор Анвар Чаудри.

Бокс ишқибозлари учун яна бир янгилик — 20 март куни «Алпомиш» спорт саройида

«Ватан осийшталиги муқаддасдир» деб номланган хайри бокс-шоу мусобақалари бўлиб ўтади. 16 февраль фойдаларидан жабрланган оилаларга чарм қўлқоп усталарининг ёрдами сифатида ташкил этилаётган ушбу хайри турнирида ўн та бахш ўтказилиб, унда Р. Чагаев, Л. Зокиров, М. Абдуллаев каби етакчи боксчиларимиз, эстрада юлдузлари ўз маҳоратларини намойиш қилишади. Энг муҳими, шу кунги чемпионати ўтказиладиган бокс бўйича етти карра жаҳон чемпиони Артур Григоряннинг маҳоратидан ҳам баҳраманд бўлади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

22, 23, 24, 25, 26, 27, 28 соат 11.00 ва 14.00 Март 1999 йил

«Ўзбекнаво» Гастрол концерт бирлашмаси «Туркистон» саройи концерт мажмуаси

Баҳор айёмига бағишланган байрам дастурини намойиш этади
КЕЛСА ГАР НАВРЎЗИ ОЛАМ ГАШТИН ИНСОНДАН СЎРАНГ!
Иштирок этадилар: Театрларнинг етакчи актёрлари, эстрада юлдузлари ва «Ассалом, куёш» болалар хореография ансамбли
НАВРЎЗ СИЗЛАРГА БАХТ КЕЛТИРСИН
Чипталар «ТУРКИСТОН» саройи кассаларида сотилмоқда.
Мурожаат учун телефонлар: 34-99-45, 137-60-91

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

23 МАРТДАН 26 МАРТГА ҚАДАР КУЙИДАГИ ЖОЙЛАРДА ФАҚАТ ИССИҚ СУВ ТАЪМИНОТИ БЎЛМАЙДИ:

- 3 МАРТДА — Мунис, У. Олимбеков, Бехтерев, Янгизамон, А. Фитрат, Ал-Хоразмий-1, 2, Қизил Шарқ даҳалари, Чилонзор даҳасининг 13, 14, 15, 21, 22, 23, 24, 30, 31-мавзелирида.
- 24 МАРТДА — Бобур, Нукус, академик С. Мирахмедов, Муқимий, Арнасой, Ш. Исломов, Аския, У. Носир, А. Темур кўчалари, Ш. Рашидов шоҳқўчаси, «Марказ-1», «Марказ-2», «Марказ-7» мавзелири, Мовароуннаҳр, Шаҳрисабз, Афросиёб кўчаларида.
- 25 МАРТДА — Сергели — 1, 2, 3, 4, 5, 6, 8, 8 а, Спутник — 8, 15, 16, 17, Дўстлик — 1, 2 турар жой даҳаларида, Лисунов, Бирлашган, Шолоҳов, академик С. Мирахмедов кўчаларида, Уйсозлик комбинати турар жой даҳаси, «Ўзал-1, 2, 3» мавзелирида.
- 16 МАРТДА — Форобий, Беруний кўчалари, Талабалар шаҳарчаси, Қорақамиш-2/4, 2/5, Тансиқбоев 2, 3 даҳалари, ТошДУ, ТошПИ, Олимпия мавзелирида.

Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурлари ва унингизнинг ички тармоқларида ўзи бериши мумкин бўлган шикастларга қаратамиз. Иссиқ сувларнинг отилиб чиқиши мумкин, шу сабабдан ҳайдовчилар, пиледалар ҳамда маъмурий ва турар жой биноларида бўлган кишиларнинг эҳтиёткор бўлишлари жоиздир.

Вақтинчалик ноқулайликларга тушуниш билан ёндошингизни сўраймиз. Узингиз гувоҳи бўлган нуқсонлар тўғрисида 133-32-32 телефони орқали хабар беришингизни сўраймиз.

«ТОШИССИҚҚУВВАТИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«ИХЛОС-ХАЛОС» ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲАР КУНИ, ЯҚШАНБАДАН ТАШҚАРИ СОАТ 8.00 ДАН 20.00 ГАЧА

Куйидаги мутахассисларнинг муолажа ва маслаҳатларини ташкил этади: невропатолог (игна билан даволловчи шифокор), педиатр, психоневролог, кардиолог, герпелет, эндохринолог, дерматолог, даволлов жисмоний тарбияси бўйича уқаловчи-йўриқчи. Уйингизда ҳам (наҳрсангиз) эътибор кўрсатамиз. Манзилимиз: Навоий кўчаси, 36-уй (Тошкент Давлат университетининг тарих факультети биноси, Ҳамза театри ёнида). Телефонлар: 144-30-79 (хизмат); 50-50-06, 60-37-98 (уй). Соат 20.00 дан кейин кўнгирак қилинг.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Капитал, кооператив ва яқна тиббатидаги уй-жой қурилиш бош бошқармаси бўлимларига олтин маълумотли, компьютерда ишлаш оладиган, маълумоти капитал қурилиш бўйича, меҳнат стажи 5 йилдан кам бўлмаган мутахассислар керак.

Ҳақ тўлаш кафолати билан. Куйидаги телефонга мурожаат қилишингиз мумкин: 54-24-59.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ижтимоий таъминот бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи Фазлиддин Насриддинович Наҳимитдиновга онаси

Мусабар ая ВАХОБОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изхор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирилик қоидадаги пенсия фондининг Тошкент шаҳар бўлими жамоаси Тошкент шаҳар пенсия фондининг бошлиғи Абдуқаҳҳор Азизович Ваҳобовга онаси

Мапират Мирқурбонова МИРКАМОЛОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изхор қилади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Наҳр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қозғ бичими А-2

Наҳрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.